# АҲМАД ФАРҒОНИЙ НОМИДАГИ ФАРҒОНА ВИЛОЯТ АХБОРОТ-КУТУБХОНА МАРКАЗИ

## Ахборот-библиография бўлими

## 2017 ЙИЛ 2 ЧОРАК УЧУН
# ЯНГИ НАШРЛАР БЮЛЛЕТЕНИ



Фарғона – 2017

# Ахборот технологиялари

1. **32.973я73**
**Э45**

**Электрон кутубхона тармокларида** илмий-таълимий ахборотлар яратиш ва улардан фойдаланиш технологиялари = Технологии создания и использования научно-образовательной информации в сети электронных библиотек / Ред. М. А. Рахматуллаев. – Тошкент : Тошкент, 2017. -126 б. : ил

Тўплам материаллари илмий ахборот манбаларини қидиришда янги ахборот технологияларини қўллаш ҳамда илмий-таълимий ресурслар таҳлили бўйича тушган мақолалар билан тўлдирилган.

# Этика

2. **87.7**
**Қ80**

**Қурбонов, Т.** Инсоний фазилатлардан сабоқлар : услубий нашр / Т. Курбонов; Рец. М. Атаджанов. – Фарғона : Фарғона, 2016. – 112 б.  1000 экз.

Ушбу қўлланма соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказишда таълим ва тарбия жараёнини изчил олиб бориш, ёшлар тафаккурини бой миллий маданият ва маънавият сарчашмалари билан бойитиш мақсадида кўмакдош бўлади.

# Дин

3. **86.3(5Ў)**
**Р99**

**Рўзматзода, К.** Имом Раббоний авлодлари : илмий-публицистик асар / К. Рўзматзода; Ред. Ш. А. Мансур. – Тошкент : Наврўз, 2014. – 188 б. : фото. – Библиогр. 1000 экз.

Мазкур китобда Шарқ мусулмон оламида мужаддиди алфи соний номаи билан шуҳрат қозонган Имом Аҳмад Форук Раббоний Сархиндий (1563-1625)нинг Ҳиндистонда, кейинчалик Туркистонда накшбандия тариқати ғояларини кенг тарғиб этган авлодлари Миён Фазл Қадр ҳазрат, Миён Фазл Умархон (Сотиболдихон) ҳазратнинг чимёнлик зурриёдлари - Миён Фазл Усмонхон ҳазрат ва Миён Фазл Нурулҳақ ҳазратнинг ғоят машаққатли, аммо кўп жиҳатдан ибратли ҳаёт йўли, халқимиз маънавиятида тутган ўрни, олижаноб инсоний фазилатлари илмий далиллар, замондошларининг хотиралари асосида ёритилди.

# Жамиятга оид фанлар

4. **60.56**
**П74**

**Порлоқ хотира соҳиблари** : Қўқонлик таниқли шахслар ҳақида ёднома / тузувчилар М. Мансурова, Я. Дадабоев, Д. Мирбобоева. – Фарғона : Фарғона, 2017. – 224 б. : фото 500 экз.

Ушбу маълумотномада Қўқонда яшаб ўтган таниқли кишилар, аллома-ю ижодкорлар, санъаткору ҳунарманд усталар, шифокору ўқитувчилар, давлат ва жамоат арбоблари, шунингдек, қатоғонга учраган маърифатпарварлар ҳақида қисқача маълумотлар келтирилган.

# Социология

5. **60.5я73**
**Ш31**

**Шафранов-Куцев, Г. Ф.** Социология : учебное пособие / Г. Ф. Шафранов-Куцев. – Тюмень : Тюменский государственный университет, 2005. – 284 с.  300 экз.

Социологиядан маърузалар курси сўнги йилларда муаллиф томонидан университетнинг иқтисодий ва ижтимоий бошқарув факультетида ўқитилган бўлиб, талабаларга лўнда тарзда социоло-

гиянинг пайдо бўлиши, ривожланиш тарихи ва ҳозирги ҳолати ҳақида тасаввурга эга бўлишга имкон беради.

## Ижтимоий фикр. Ижтимоий-сиёсий фаолият. Ижтимоий муносабатлар. Пропаганда. Ташвиқот

6. **66.3(5У)**
**М54**

**Мирзиёев, Ш. М.** Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз / Ш. М. Мирзиёев; Ред. И. Аҳмедов, Г. Азизова. – Тошкент : Ўзбекистон, 2017. – 488 б. : портр 20000 экз.

Мазкур китобдан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 1 ноябрдан 24 ноябрга қадар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри сайловчилари вакиллари билан ўтказган сайловолди учрашувларида сўзлаган нутқлари ўрин олган.

7. **66.3(5У)**
**М54**

**Мирзиёев, Ш. М.** Қонун устиворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш - юрт тараққиёти ва халк фаровонлигининг гарови = Обеспечение верховенства закона и интересов человека - гарантия развития страны и благополучия народа : Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза 2016 йил 7 декабрь / Ш. М. Мирзиёев; Ред. Г. Азизова, Ю. Шопен. – Тошкент : Узбекистон , 2017. – 48 б. : портр 10000 экз.

Ушбу китобда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конститутсиясининг 24 йиллигига бағишланган маърузаси берилган.

8. **66.3(5У)**
**М54**

**Мирзиёев, Ш. М.** Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини барпо этамиз = Мы все вместе построим свободное, демократическое и процветающее государство Узбекистан : Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига кириш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ / Ш. М. Мирзиёев; Ред. И. Аҳмедов, О. Вульф. – Тошкент : Ўзбекистон, 2017. – 56 б. : портр 10000 экз.

Ушбу китобда Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш олдидан тантанали маросимда Ш. М. Мирзиёевнинг Олий Мажлий палаталарининг қўшма мажлисидаги сўзлаган нутқи баён этилган.

## Санъат

9. **85(5ў)**
**С30**

**Санъатнинг нурли йўли.** Фарғона санъат коллежи – 60 ёшда : публицистик нашр / Исполн. Ю. П. Гофурбеков. – Фарғона : Фарғона, 2017. – 165 б. – (Ўзбекистон Республикаси Маданият Вазирлиги) 1000 экз.

Ушбу нашрда ўзининг 60 йиллик юбилейини нишонлаётган Фарғона санъат коллежининг бой тарихи, фидокор жамоаси, коллежнинг республикамиз мусиқий таълим тизимида ўзининг алоҳида ўрни ҳақида жуда кўп маълумотлар берилган.

10. **75(5Ў)**
**Р99**

**Рўзматзода К.** Комиллик саодати : Ўзбек спортининг жонкуяр мураббийси, Республика тоифасидаги таниқли ҳакам, Фарғона давлат университети Спорт уйинлари кафедрасининг доценти Тешабой Ҳожи Норматовнинг ҳаёт-фаолиятига бир назар.

Машҳур замондошимиз ҳаёти / К. Рўзматзода; муҳаррир М. Исомиддинов. – Тошкент : Наврўз, 2014. –182 б. : фото 500 экз.

Ушбу китоб Фарғона Давлат Университети Жисмоний тарбия факультети спорт кафедрасининг доценти Тешабой Норматовнинг 50 йилдан ортик илмий педагогик ва ташкилотчилик фаолияти ва комил инсон, устоз мураббий ва меҳрибон ота сифатида шаклланиш йўлини ёритишга, спорт ва фаннинг олим шахсини камол топтиришдаги аҳамиятини кўрсатишга бағишланган.

# Ўзбек адабиёти

11. **84(5Ў)7**
**А37**

**Азизов, А.** Тўртинчи фасл : шеърлар / А. Азизов. – Фарғона : Фарғона, 2016. – 112 б. : портр 1000 экз.

Мазкур тўпламдаги шеърларда юрт ишқи, эзгулик, вафо ва садокат туйғулари тараннум этилади. Уларда ҳаёт машаққатларини бошидан ўтказган, хато ва нуқсонлардан керакли хулосалар чиқара олган шахс кечинмалари намоён бўлади.

12. **84(5Ў)**
**Г95**

**Гулшан диёр куйчилари** / Ж. М. Муслим. – Тошкент : Наврўз, 2014. – 264 б. : рис., фото.цв. 1000 экз.

Мазкур мажмуа жонажон юртимизнинг бетакрор гўшаларидан бири - Наманганда таваллуд топиб, камолга етган ижодкорларнинг асарлари намуналаридан ташкил топди. Улар орасида мамлакатимизга таниқли шоир ва ёзувчилар билан бир қаторда ижод бўстонига кириб келаётган ёш қаламкашларнинг битиклари ҳам бор.

13. **84(5Ў)7**
**Д15**

**Дадабоев, М.** Қўшиғимда ўзингиз борсиз : шеърлар / М. Дадабоев. – Фарғона : Фарғона, 2017. – 64 б. : портр 600 экз.

Мазкур тўпламдаги шеърларда меҳр-оқибат, яхшилик, саҳоват, муҳаббат каби ҳаётий мавзулар қаламга олинган. Ижодкорнинг ички ҳис-туйғулари, айтмоқчи бўлган фикрлари ўзига хос услуб ва оҳангда ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилади.

14. **84(5У)7**
**М54**

**Мирзо, М.** Кўшкимдаги ой : шеърлар / М. Мирзо. – Тошкент : Мухаррир, 2013. – 64 б. 1000 экз.

Шеърият муҳаббат ва ҳижрон, висол ва соғинч сингари инсоний туйғулар ифодасидир. Ана шу соҳир олам соҳибларидан бири шоира Малика Мирзо қизи шеърларида ҳам ана шу туйғулар аксини кўришингиз мумкин. Бу кўнгил кечинмалари ўзининг ранг-баранг ва серқирра жиҳатлари билан ўқувчини ўзига тортади.

15. **84(5Ў)**
**М54**

**Мирзо, М.** Умид манзаралари : шеърлар / М. Мирзо. – Тошкент : Муҳаррир, 2013. – 64 б. 1000 экз.

Ижод - кўнгил кўзгуси. Мисралар қатидаги қувонч, қайғу ва изтирорблар ижодкор қалб мулкидир. Шоира Малика Мирзо қизи ана шундай, кўнглидагини бор ҳолича қоғозга туширишга ҳаракат қилади. Бу изланишлар эса унинг ёзганларига ўзига хос тарзда самимият бағишлаб туради.

16. **84(5Ў)7**
**М54**

**Мирзо, М.** Умрим ёғдулари : танланган шеърлар / М. Мирзо. – Тошкент : Академнашр, 2011. – 160 б.: фото, рис.

Малика Мирзо қизи эътироф этилган шоира. У шеърга ёлғон туйғуларни аралаштирмайди, шеърларидан самимийлик уфуриб туради. Шоиранинг мазкур тўплами шеърият мухлисларига аталган навбатдаги туҳфасидир.

17. **84(5Ў)**
**М 54**

**Мирзо, М.** Юлдузлар ҳаёли : шеърлар / М. Мирзо; Рец. Алишер Назар. – Ташкент : Турон замин зиё, 2015. – 96 б. : рис., портр 1000 экз.

Ушбу китобдан турли мавзудаги шеърлар, муҳаммас ва ғазаллар ўрин олган. Мисралар қаътига сингдирилган ҳаётий ўй-фикрлар, залворли сатрлар китобхонни мушоҳадага ундаш билан бирга, мумтоз бир завқ-шавқ ва ҳазин оҳангларга ошно этади.

18. **84(5Ў)7**
**Р99**

**Рўзиматов, К.** Айтилмаган изҳорларим : шеърлар / К. Рўзиматов; Рец. О. Темирова. – Фарғона: Фарғона, 2017. – 32 б. : портр 500 экз.

Ушбу тўпламдаги шеърларда Ватан, она, ишқ мавзулари қаламга олинган. Ёш ижодкор атрофимиздаги олам, табиат, жараён ва ҳодисаларнинг кўзимиз кўриб ўрганиб қолган, бироқ кўпчилик илғамаган, эътибор бермаган жиҳатларини ўзига хос услубда ёритишга ҳаракат қилган.

19. **84(5Ў)7**
**Ў80**

**Ўринова, Д.** Юрагимсан, Ватаним : шеърлар / Д. Уринова. – Фарғона : Фарғона, 2017. – 48 б. : портр 500 экз.

Ушбу тўпламда ёш ижодкорнинг она Ватан, бетакрор юрт гўзаллиги, дўстлик ва муҳаббат туйғулари ўзига хос оҳангда тараннум этилган.

20. **84(5Ў)7**
**Х98**

**Хўжаев Э.** Оқ карнайга ўйнайман... : ҳангомалар, ҳандалар, пайровлар / Э. Хужаев; Ред. М. Сиддиков. – Фарғона: Фарғона, 2016. – 72 б. 100 экз.

Мазкур китобчада Бувайда тумани қишлоқларида яшаб ўтган ва ҳозирги кунда ҳам нашъу намо топаётган замондошларимиз ҳаёти билан боғлик ичакузди ҳангомалар, кўз кўриб қулоқ эшитмаган воқеа-ҳодисалару теша тегмаган сўз ўйинлари қаламга олинган.

## Тарих

21. **63.4(5Ў)**
**М56**

**Мирсоатова С.** Ўзбекистоннинг тош даври археологияси ва антропогенези масалалари : монография / С. Мирсоатова; Ред. М. Х. Исомиддинов, Ред. Р. Х. Сулаймонов.– Фарғона : Фарғона, 2017. – 176 б. : рис.. – Библиогр. 500 экз.

Ушбу монография Ўзбекистонда тош даври манзилгоҳларини ўрганиш тарихшунослигига асосланган бўлиб, унда қуйи палеолит давридан неолит давригача бўлган маданиятларнинг умумий ривожланиши ва мазкур давр археология фани олдида турган асосий муаммолар баён этилган. Шунингдек, Сеунгур ҳамда Обираҳмат ғорларидан топилган антропологик материаллар асосида, Марказий Осиё ҳудудидаги антропогенез жараёнларига умумий таҳлил берилган.

*Составитель:* *Мамадиева Д.*